O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №


# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

• 2010-yil • 22-aprel • Payshanba • 47 (31.167) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz



Масъулият унутилган жойда... ➤2

Баркамол авлод — энг улуғ мақсадимиз ➤3

Янги спорт мажмуаси ➤4


## ШҲТга аъзо давлатлар фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича идоралари раҳбарларининг бешинчи мажлиси якунларига доир

## АХБОРОТ

Тошкентда 21 апрель куни ШҲТга аъзо давлатлар фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича идоралари раҳбарларининг бешинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикасининг тегишли идоралари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда ШҲТга аъзо давлатлар ҳудудида ўтган йили содир бўлган йирик фавқулодда ҳодисалар, бундай ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва чиқарилган хулосалар юзасидан мажлис иштирокчиларининг ахбороти тингланди. Томонлар фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича ШҲТ доирасидаги ҳамкорлик истиқболлари хусусида фикр алмашдилар.

ШҲТга аъзо давлатлар фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича идоралари раҳбарларининг бешинчи мажлиси якунлари юзасидан протокол имзоланди.

Тадбир иштирокчилари мажлиснинг амалий ва ишчанлик руҳида ташкил этгани учун Ўзбекистон томонига самимий миннатдорлик билдирдилар.

**(ЎзА)**

**Қарор ва ижро**

## Инвестициялар самараси

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастурида қишлоқларимизнинг ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш, аграр тармоқ самарадорлигини юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ҳисобига аҳоли бандлигини ва турмуш даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Аграр тармоққа халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар, донор мамлакатларнинг беғараз техник кўмаги доирасида (грант) маблағлар йўналтириш катта аҳамиятга эга. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасига грантли беғараз техник кўмакни жалб этишни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор муҳим омил бўлаётир.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида узоқ муддатли, мамлакатимизнинг салоҳияти, иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишда муҳим аҳамият касб этадиган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялар ва беғараз техник кўмаклар жалб этилмоқда.

— Кейинги 10 йил давомида соҳани янада юксалтириш мақсадида 105 лойиҳа бўйича 11,2 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилди, — дейди Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг хорижий инвестициялар жалб этиш ва лойиҳалар мониторинги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Бузрукхон Жумабоев. — Улар орасида беғараз техник кўмак тариқасида бажарилган лойиҳалар талайгина.

(Давоми 2-бетда.)

**ЎзХДП: электорат манфаати**

## «Саломатлик поезди» жўнаб кетди



Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

Тошкент темир йўл вокзалидан навбатдаги «Саломатлик поезди» Навоий вилоятига жўнаб кетди. Бу поездда 14 нафар малакали шифокор, умумий қиймати 30,3 миллион сўмлик озиқ-овқат, кийим-кечак, умумий қиймати 384,5 минг АҚШ долларига тенг дори-дармон ва тиббиёт анжомлари, санитария-гигиена воситалари бўлиб, улар вилоят аҳлига тиббий хизмат кўрсатишга йўналтирилган.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси ва «Ўзбекистон темир йўллари» ДАКнинг бевосита кўмаги билан ташкил этилган мазкур поезд вилоятнинг Тинчлик, Конимех, Кара-ката, Мустақиллик, Бузоқбой, Учқудуқ, Учқудуқ II станцияларида тўхтаб ўтади. Жамғарма вилоят филиалининг автоамбуланс машинаси ёрдамида ҳудуддаги барча мурувват, меҳрибонлик, саховат уйларида ҳамда қатор марказий шифохоналар, вилоят болалар ва туғуруқ мажмуалари, жисмоний имконияти чекланган болалар махсус мактаб-интернатларига беғараз тиббий хизмат кўрсатади.

Жамғарманинг бундай хайрли тадбирларни ўтказишдан асосий мақсади — экологик жиҳатдан ноқулай шароитда истиқомат қилувчи аҳолига, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларга, чекка қишлоқларда яшаётган аёллар ва болалар саломатликларини тиклаш, мустаҳкамлашлари учун тиббий ёрдам кўрсатиш, аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш, меҳр-мурувват ҳаракатини янада ривожлантиришдир.

«Саломатлик поезди»нинг малакали мутахассислари жойлардаги ҳамкасблари билан ҳамкорликда ногирон болалар, хотин-қизлар, боқувчисини йўқотган ва кўп болали оилалар фарзандларини тиббий кўрикдан ўтказади, ёрдамчи мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига мурувват ёрдамлари топширади. Шу билан бирга аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида давра суҳбатлари ва учрашувлар уюштиради.

Бу хайрли тадбирга «Новофарм плус» қўшма корхонаси, «Ўзфармсаноат» ДАК, «Радикс» МЧЖ, «Дори-дармон» АК, «Нестле Ўзбекистон» қўшма корхоналари ўзларининг беғараз ҳомийлик ёрдамларини кўрсатганликлари учун ташкилотчилар томонидан уларга алоҳида миннатдорчилик билдирилди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

*Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон истиқлолга эришган илк йиллардан оқилона иш тутиб, «Янги уй қурмасдан, эскисини бузманг» деган ҳаётий тамойилга асосланиб юритган ижтимоий-иқтисодий сиёсати бераётган юксак самаралар жаҳонда кенг эътироф этилмоқда. Мамлакатингизда иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, давлатнинг бош ислоҳотчи экани, кучли ижтимоий сиёсат олиб борилаётгани, ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётгани тўғри йўл экани иқтисодий инқироз шароитида яна бир бор ўз исботини топди.»*

**Башир ФАДЛАЛЛА,**
**Ислом тараққиёт банкининг (ИТБ) Ислом бирдамлик жамғармаси раҳбари.**


Мунособат

«АДОЛАТ» ПАРТИЯСИНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИ

ростми ёки ёлғон?

*Баландпарвоз гаплар, мақтанчоқлик, йўқни бор дейиш билан нимага эришиш мумкин? Бундай ҳаракатлар партияга обрў келтирмайди, аксинча унинг нуфузига путур етказади-ку. Аммо «Адолат»чилар нима десак ҳам одамлар ишонаверади, деб ўйлашаяптимикин?*


2-бет >>

## Ҳар қандай масаланинг ечими бор

### *ҳамма гап уни топа билишда*

Сайлов олдидан берилган ваъда бажарилмаса, сиёсий партияга ҳам, депутатга ҳам одамлар ишончи йўқолади. Кейинги сайловда овоз олиш янада мушкиллашади. Шундай экан, сайловолди дастурий мақсадларни амалга ошириш ЎзХДП учун сиёсий аҳамиятга эга бўлган жиддий масаладир.




Наманган вилоят партия кенгаши томонидан ташкил этилган давра суҳбатида бу ҳақда батафсил сўз юритилди. Ўзбекистон ХДП Ҳаракат дастурини жойларда бажаришда партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳларининг иштирокини янада кучайтириш масаласига бағишланган тадбирда вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашлари раислари, уларнинг ўринбосарлари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, партия сайланма органлари аъзолари иштирок этди.

Вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Абдурашид Убайдуллаев Ҳаракат дастурини амалга оширишда барча даражадаги депутатлар, партия ташкилотлари бир тан, бир жон бўлиб электорат манфаатларини таъминлаш учун курашиши зарурлигини таъкидлади.

2-бет >>

**XXI аср — интеллектуал бойлик асри**

Шерзод Муродов — 1986 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. 2003 йилда Бухоро давлат университети механика-математика факультетига ўқишга қабул қилиниб, 2007 йилда имтиёзли диплом билан тамомлаган. Бугунги кунда Ўзбекистон Миллий университети II босқич магистри, Президент стипендиати.

## Эволюцион алгебра



4-бет

### 22 апрель об-ҳавоси



| Юртимизда | | |
|---|---|---|
| Тошкент | — | 27°C |
| Самарқанд | — | 27°C |
| Нукус | — | 26°C |
| Қарши | — | 29°C |
| Урганч | — | 26°C |
| Навоий | — | 27°C |
| Фарғона | — | 26°C |
| Бухоро | — | 27°C |
| Андижон | — | 26°C |
| Наманган | — | 26°C |
| Термиз | — | 30°C |
| Жиззах | — | 26°C |
| Сирдарё | — | 26°C |
| Тошкент вил. | — | 26°C |

| Дунё бўйлаб | | |
|---|---|---|
| Лондон | — | 15°C |
| Париж | — | 16°C |
| Москва | — | 14°C |
| Мадрид | — | 19°C |
| Пекин | — | 16°C |
| Гонгконг | — | 31°C |
| Рим | — | 19°C |
| Анқара | — | 16°C |
| Токио | — | 17°C |
| Стокгольм | — | 15°C |
| Кейптаун | — | 31°C |
| Қоҳира | — | 27°C |
| Гавана | — | 33°C |
| Вашингтон | — | 16°C |
| Нью-Йорк | — | 15°C |



O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎзХДП ҳаёти

# Ҳар қандай масаланинг ечими бор

(Давоми. Боши 1-бетда.)



— Бугун тезкор замонда яшаяпмиз, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зиёвуддин Мансуров. — Бундан беш йил олдингига таққосласак жамиятимизда фуқаролик маърифати анчайин юксалганини кўрамиз. Шундай экан, талаб ҳам бошқача. Демак эндиликда биз, депутатлар ваколатимиз доирасида сайловчиларимиз ишончини оқлаш учун жуда қаттиқ ҳаракат қилишимиз шарт. Бу ҳар биримиздан тинимсиз меҳнат қилишни талаб этади.

Ишончга осонликча эришиб бўлмайди. Одамлар сиёсий партия ва унинг депутатларидан жуда кўп ишларни кутмоқда. Мана шу ҳақиқатни унутмаслигимиз керак.

— Касб-ҳунар коллежини тамомлаган йигит-қизлар ишсиз юрмаслиги зарур, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилбархон Холиқова. — Бу масалада иш ўрни йўқлиги ёки етарли эмаслиги баҳона бўлолмайди. Чунки, мамлакатимизда бу борада жуда катта ишлар олиб борилмоқда. Биз фақат ҳудудларнинг ўзига хос шарт-шароитларидан келиб чиқиб, уларни ишга жалб этиш, жойлаштиришнинг муқобил, самарали усулларини ишлаб чиқишимиз керак.

— Жуда тўғри фикр айтдингиз, — деди халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши депутати Олимжон Ҳасанов. — Мен Наманган шаҳридаги саноат касб-ҳунар коллежининг директориман. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали ёшларни кўпроқ иш жойлари билан таъминлаш мумкин, деб ўйлайман. Бу борада қатор ҳуқуқий ҳужжатлар бор. Бироқ, уларнинг ижроси ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди.

— Биз электоратимизни ташвишлантираётган масалалар юзасидан жамоатчилик мониторингини самарали ташкил этиш билан бирга, қайси соҳада бўлмасин, раҳбар кадрлар масъулиятини ошириш лозимлигини ҳам назардан қочирмаслигимиз керак, — деди Наманган шаҳар Кенгаши депутати, шаҳардаги 63-мактаб директори Аҳмаджон Содиқов. — Ҳар бир раҳбар интизомда, касбий ва ижтимоий фаолиятда энг аввал ўзи ибрат кўрсатиши лозим. Бизга бўлаверади, қабилидаги жайдари гап ва одатлардан кескин воз кечиш вақти келди. Интизомсизлик, уқувсизлик, қўйингки, тараққиётга тўсиқлар худди шу — бизга бўлаверади, деган кайфиятдан келиб чиқади.

«Камолот» ЁИҲ Норин туман бўлими бош мутахассиси Отабек Нуриддинов ёш фаоллар қатламини шакллантириш масаласига эътибор қаратди. Ўқиш ва иш билан банд бўлган ёшлардан кўра, уюшмаган ёшлар билан кўпроқ ишлаш зарурлигини таъкидлади.

— Агар ҳар бир депутат биттадан назоратдан четда қолаётган йигит-қизда ижодий изланиш, ижтимоий фаоллик иштиёқини уйғотса, қаранг, қанча фаол ёшлар сафимизга қўшилади, — деди у. — Улар билан ишлашда депутатнинг ўрни бўлакча, албатта.

ЎзХДП Уйчи туман кенгаши «Фаол аёллар» қаноти аъзоси Раънохон Қориева қишлоқлардаги асосан далада ишлайдиган аёллар билан боғлиқ масалада ўз фикрларини ўртага ташлади.

— Дала меҳнатининг заҳмати катта, — деди у. — Хўжаликларда ишлайдиган аёлларга алоҳида эътибор керак. Улар ижтимоий-сиёсий ахборотларга эҳтиёжманд, бевосита ХДП электоратидир. Шунинг учун партия ташкилотлари раҳбарлари, фаолларимиз, депутатлар қишлоқларда ҳам учрашувлар ўтказиб туришни одат тусига киритса яхши бўларди. Учрашув оммани йиғиб мажлис қилиш, маъруза ўқишдан иборат бўлмаслиги керак. Икки томонлама суҳбат баҳс-мунозарага асосланган бўлиб, бевосита электорат манфаатини таъминлаш масалаларига қаратилиши лозим.

— Одатда депутатлар фаолиятига қараб одамлар партияга баҳо беради, — деди ЎзХДП Тўрақўрғон туман кенгаши раиси Орифжон Охунов. — Шундай экан, сайловчилар билан ишлашни такомиллаштириш, бу борада янги усулларни қўллашга катта зарурат туғилмоқда. Айниқса, партиямиз Жамоатчилик қабулхоналари билан ҳамкорлик изчил олиб борилиши керак. Ҳар бир кунимизни, ҳар бир амалий ишимизни келгуси сайловга тайёргарлик, деб англашимиз, шунга мос интилишимиз зарур.

Давра суҳбатида халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари Абдурасул Мадраҳимов, Темурали Икромов, Тўрақўрғон туман Кенгаши депутати Холида Халилова, вилоят партия кенгаши ижроия қўмитаси аъзоси Акмалхон Икромов, Наманган шаҳар партия кенгаши раиси Маматвали Турғуновлар ҳам фаол иштирок этди.

Суҳбат давомида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Инвестициялар самараси

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мисол учун, Хитой билан ҳамкорликда амалга оширилган Сирдарё ва Жиззах вилоятларида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш лойиҳаси асосида қирқдан зиёд техника харид қилинди.

Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий туманларида суғориладиган ерларнинг ҳолатини яхшилаш ва аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни кучайтириш учун дренаж тармоғи ўтказиш лойиҳаси учун 74,5 миллион АҚШ доллари йўналтирилди, шундан 60 миллион долларини Жаҳон банки ажратди. Мазкур лойиҳа асосида 276 километр узунликдаги жанубий Қорақалпоғистон магистрал коллекторининг қайта таъмирланиши натижасида оқава сувлар оқими такомиллаштирилиб, «Беруний», «Қизилқум» насос станцияларининг иш фаолияти тўхтатилди. Эндиликда бу станциялар учун йилига сарфланаётган 1,5 миллиард сўм миқдоридаги маблағ иқтисод қилинмоқда. Бу, айни пайтда, Беруний, Тўрткўл ва Элликқалъа туманларидаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, ҳосилдорлик ошишига ҳам хизмат қилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий туманларида пиллачиликни ривожлантириш тажриба лойиҳасига Жаҳон банкининг қарийб 2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағи жалб этилди. Ушбу лойиҳада кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларда замонавий технологиялар асосида пилла етиштириш ва қайта ишлаш кўникмасини шакллантириш назарда тутилган. Жорий йилда ниҳояланадиган ушбу лойиҳа асосида Беруний, Тўрткўл, Элликқаъла, Хўжайли туманларида яшаётган 400 нафардан зиёд аёлга пилла етиштириш, қарийб 900 нафар хотин-қизга пилла хомашёсидан маҳсулот тайёрлаш ўргатилди. Ҳозир улар имтиёзли кредитлар ҳисобидан дастгоҳлар харид қилиб, адрас, атлас каби миллий матолар ишлаб чиқармоқда.

Жорий йилда ҳам аграр тармоқ ривожига кўмак берувчи, соҳага янги технология ва техника жалб этишда қўл келувчи тадбирлар давом эттирилмоқда. Бухоро вилоятидаги Қоракўл насос станциясини қайта таъмирлаш, жойларда техника ва қайта ишлаш ускуналари билан жиҳозланган, фермерларга амалий ёрдам берувчи технопарклар яратиш, ирригация тизимларида электр энергиясини тежаш имконини берувчи лойиҳалар шулар сирасидандир.

**Сайёра ШОЕВА, ЎзА мухбири**

# Масъулият унутилган жойда

## партия ташкилотининг обрўси, таъсири бўлмайди

ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгашининг пленуми ҳар қачонгидан ишчан, ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Ташаббус кўрсатиш, дастурий мақсадлар ижросига бевосита қаратилган ҳаракатларни кучайтириш масалаларига жиддий эътибор қаратилди.

— Замон шиддат билан ўзгармоқда, — деди ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Камолбой Исобеков. — Шундай экан, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш, қилинаётган ишлар самарадорлигини ошириш, унинг мазмун-моҳиятини халқ оммаси орасида тарғиб этиш сиёсий куч сифатида бизнинг зиммамизга алоҳида масъулият юклайди. 2009 йил сайловларида партиямиз кўрсатган номзодлар орасидан вилоятимиз бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 5 нафар, халқ депутатлари вилоят Кенгашига 18, шаҳар ва туман Кенгашларига эса 217 нафар депутат сайланди. Энди қўлга киритилган мавжуд имкониятдан электорат манфаати йўлида, сайловолди дастурий мақсадларимизни амалга оширишда самарали фойдаланишимиз зарур. Бугун биз камчиликларимизни очиқ тан олишимиз лозим. Булунғур, Иштихон, Пастдарғом туман кенгашларида ўзгаришлар сезилмоқда. Бироқ Самарқанд шаҳри, Ургут, Оқдарё, Жомбой, Каттақўрғон туманларидаги партия раҳбарлари ҳануз ўз ишларига масъулият билан ёндашмаяпти. Ўтган чақириқ давомида маҳаллий Кенгаш сессияларига партия депутатлари ташаббуси билан биронта ҳам масала киритилмаган туманлар бор. Бугуннинг талаби эса мутлақо бошқача. Энг аввало, зиммамиздаги масъулиятни чуқур ҳис этмоғимиз лозим. Акс ҳолда фаолиятимизда ўзгариш бўлиши қийин.

— Энди ҳақиқатан ҳам эскича қараш, эскича кайфиятда ишлаб бўлмайди, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Фармон Тошев. — Ҳозир партиянинг нуфузини янада ошириш асносида халқимизни қийнаб келаётган муаммолар ечимини топиш ҳаракатида бўлишимиз лозим. Депутат халқ билан давлат ҳокимиятининг вакиллик органи ўртасида кўприк вазифасини ўташи керак. Шундай экан, бугунги давр депутати зиммасида масъулият жуда катта. Мамлакатни модернизация қилиш, ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишда, албатта, депутатлардан ташаббускорлик талаб қилинади. Ҳозир айниқса қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни манзилли ижтимоий муҳофазалаш механизмларини янада такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш масаласи долзарб бўлиб турибди. Ташаббус кўрсатиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муқобил, рақобатдош лойиҳаларини ишлаб чиқиш, таклифларимизни қатъият билан ҳимоя қилиш талаб этилмоқда.

— Ҳар бир партия жамиятда ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлишни истайди, — дейди партия фаоли Ҳасан Нормуродов. — Шундай экан, ғоявий кураш майдонида мағлубиятга учрамаслик учун кучни бир жойга тўплаб, қоғозда эмас, амалда ишга киришсак, юзимиз ёруғ бўлади.

Шунингдек, пленумда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Абдиқаҳҳор Юсупов, Искандар Азизовлар муҳокама этилаётган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдиришди. Сўзга чиққанлар таклифлари инобатга олиниб, вилоят партия ташкилотининг Ҳаракат дастури қабул қилинди.

**Абдували ХУДОЁРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Кўнгиллар кўтарилди

Наврўз — бир кунлик байрам эмас. Бу қутлуғ айёмнинг асосий удумлари — ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, муҳтожга далда бўлиш, эҳтиёжманднинг ҳолидан хабар олиш каби эзгу ишлар халқимизнинг ҳар кунги амалларидандир.

Яқинда ана шундай тадбирлардан бирининг гувоҳи бўлдик. Ногиронлар жамияти Юнусобод туман бўлим етмиш нафар ёрдамга муҳтож ногиронлар учун байрам тадбири уюштирди. Туман бўлинмаси раиси Феруза Восиқова ҳар бир келувчи ва унинг ҳамроҳи билан илиқ сўрашди, соғлиғи, ҳаёти ҳақида суриштирди.

— Умидахон қизим, яхшимисан, — Феруза эгилиб аравачадаги қизни бағрига босди.

Қиз ҳам таниш чеҳрани кўриб қувонди, қўл ҳаракатлари, табассуми билан хурсандлигини изҳор қилмоқчи бўлди.

— Ногиронлар жамияти томонидан бундай тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади, — дейди Умиданинг онаси Холида Умарова. — Ферузахон ҳам, шаҳар ногиронлар жамияти вакиллари ҳам оиламиздан тез-тез хабар олиб туришади, муаммоларимиз билан қизиқади.

...Ноз-неъматлар тўла дастурхонга кўк сомса, сумалак тортилди. Куй-қўшиқ авжига чиқди, давра рақсга тушувчилар билан тўлди.

Ташқи ишлар вазирлиги ва республика ногиронлар жамияти вакилларининг иштироки ҳам тадбирга алоҳида мазмун бахш этди. Ўзбекистоннинг Италиядаги элчихонаси томонидан ногиронлар аравачалари топширилди.

*Очиқ ҳаводаги ўйин-кулгу анчагача давом этди. Кимдир қовоғи солиқ осмонга қараб, «Ёмғир ёғмасинда, ишқилиб», деб қўйди.*

*Ёмғир ёғмади. Қутлуғ кунлардаги эзгу ишларга халал беришга табиатнинг ҳам ҳадди сиғмади, гўё.*

**(Ўз мухбиримиз)**



# Она ер муҳофазаси куни

Пойтахтимиздаги Ботаника боғида 22 апрель — Халқаро ерни муҳофазалаш кунига бағишлаб анжуман бўлиб ўтди.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, «Экосан» халқаро жамоат фонди ҳамда Британия Кенгашининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, эколог олимлар, мутахассислар ва журналистлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ердан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланганлиги «Ер кодекси», давлат ер кадастри фаолиятига оид қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ер ресурсларидан самарали фойдаланишда муҳим асос бўлиб хизмат қилаётгани ҳақида сўз юритди.

Анжуманда давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ер ва бошқа табиий бойликларни муҳофазалаш бўйича бажарилаётган лойиҳалар, иқлим ўзгаришининг экология ва инсон саломатлигига таъсирини юмшатишга оид тадбирларда ёшларнинг фаоллигини ошириш, ер ресурсларини муҳофазалашга оид тадбирлар бераётган самаралар, суғориладиган майдонлардан фойдаланиш самарадорлигини янада оширишнинг илғор механизмларига оид маърузалар тингланди.

**Наргиза ОТАБЕКОВА**

# «Адолат» партиясининг жамоатчилик қабулхонаси

Муносабат

## ростми ёки ёлғон?

Очиғи, «Адолат» газетасида эълон қилинган «Ғўссдаги жамоатчилик қабулхонаси» сарлавҳали мақолани ўқиб ҳайрон бўлдик. Сабаби, унда бир неча йилдирки, қишлоқнинг (яъни, Ургут туманидаги Ғўсс қишлоғининг) «Ўртагузар» маҳалласида «Адолат» СДПнинг жамоатчилик қабулхонаси самарали фаолият юритиб келаётгани айтилган. Жамоатчилик қабулхоналари фақат Ўзбекистон Халқ демократик партиясида ташкил этилган-ку?!

2009 йил сайловолди сиёсий курашлар жараёнини кузатган бўлсангиз, ЎзХДП вакиллари Жамоатчилик қабулхоналари электорат муаммоларини ўрганиш ва уларга ёрдам беришда ўзига хос воситага айланганини гапирганда, рақиб партияларнинг айрим депутатлари бундай усул ҳеч қандай самара бермайди, деб иддао қилган эди. Қизиғи, «Адолат» СДП вакиллари ҳам бу фикрни маъқуллаганди. Агар «Адолат» партиясида «бир неча йилдан бери» жамоатчилик қабулхонаси фаолият кўрсатаётган бўлса, улар бу масалага бошқача муносабат билдирган бўлардику. Ёки ўз партияси таркибида шундай тузилма борлигидан «Адолат» етакчилари бехабар эдими?

«Ўртагузар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва айни чоғда «Адолат» СДП бошланғич ташкилоти котиби Ғаффор Раҳмонов «қишлоқдошларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга доир ўнлаб мурожаатлари ижобий ҳал этилиши»га ёрдам берган бўлиши мумкин. Чунки, бу фуқаролар йиғини раиси сифатида унинг вазифаси.

Шу ўринда яна бир масалага эътибор қаратайлик: «Бизнинг энг катта ютуғимиз — маҳаллаларда доимий фаолиятни йўлга қўя олганимиз, фуқароларни ислоҳотларнинг чинакам иштирокчиси бўлишга ундаётганимиз», — дейди Ургут туман партия («Адолат») кенгаши раиси Раббим Эсонов. — Шу туфайли қишлоқлар қиёфаси ўзгармоқда, саноатлашув жараёни кучаймоқда. Ургутда бугун хорижий сармоядорлар иштирокида 20 дан ортиқ қўшма корхона ишлаяпти...

Маҳаллаларда доимий фаолиятни йўлга қўйиш, деганда нима назарда тутилаяпти? Ургут туманининг нечта маҳалласида «Адолат» СДПнинг бошланғич ташкилоти бор? 20 дан ортиқ қўшма корхонанинг партияга нима алоқаси бор?

«Адолат» СДП Ургут туман кенгаши раисининг қуйидаги гаплари ҳам жуда ғайритабиий:

«Ҳозирги кунда Ургутда 3 мингдан ортиқ хусусий бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фойда ҳисобига ишлаяпти. Бу, ўз навбатида, ижтимоий инфратузилманинг ривожланишига, янги иш ўринларининг яратилишига ва партиянинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда».

Шу ерга келганида «Адолат»чилар мазкур субъектларни биз ташкил қилаяпмиз, демасайди, деган гап кўнгилдан ўтди. Ана, қаранг, хавотиримиз ўринли чиқди. «Дарвоқе, **туман партия кенгашининг бевосита ташаббуси билан** фақат шу йилнинг ўзида қуруқ мева, узум тайёрлаш цехлари очилиб, 200 нафар киши янги иш ўрни билан таъминланди». Бу гапни либерал партия вакиллари айтганда ҳам тўғри тушуниш мумкин эди.

Бир кичик корхонада 8-10 нафар одам ишлашини назарда тутсак, демак «Адолат» партиясининг бевосита ташаббуси билан Ургут туманида шу йилнинг ўзида камида 20 та шундай субъект ташкил этилган бўлади. Ҳайрон қоласан киши. Бу гапни партия етакчиси айтаяптими ёки туман раҳбарларидан бирими?

Шу каби ажабланарли саволлар, мулоҳазалар билан мақолани ўқишда давом этарканмиз, партия туман ташкилоти етакчисининг қуйидаги фикрларидан ёқа ушлаб қолдик.

«Халқ депутлари туман ва вилоят Кенгашларига сайланган **олти нафар депутат «Адолат» СДПнинг ижро ҳокимиятидаги вакиллари** сифатида бу каби ижтимоий-иқтисодий масалаларни муваффақиятли ҳал этишга астойдил ҳаракат қилиб келмоқда». Наҳотки сиёсий партиянинг туман етакчиси ижро ҳокимияти билан вакиллик органининг фарқига бормаса?!

Хулоса ўрнида «Адолат»да эълон қилинган мазкур мақоланинг якунловчи жумлаларидан бирини келтирмоқчимиз. Унда **«Хуллас, маҳаллий ҳокимиятда ишчан депутатлик корпусига (?) жойларда 2700 нафар партия аъзоси ва 42 та бошланғич ташкилотга эга бўлган «Адолат» СДПнинг туман кенгаши ўзини янада салмоқли вазифаларини (?) ҳал этишга қодир, деб ҳисоблайди».**

Ушбу баландпарвоз гаплар, йўқни бор дейиш билан нимага эришиш мумкин? Бундай ҳаракатлар партияга обрў келтирмайди, аксинча унинг нуфузига путур етказади-ку. Аммо, «Адолат»чилар нима десак ҳам одамлар ишонаверади, деб ўйлашадими?

Энди Жамоатчилик қабулхоналарига келадиган бўлсак, 2006 йилда Ўзбекистон Халқ демократик партияси маҳаллий кенгашлари қошида мазкур тузилма ташкил этилган эди. Ўтган давр Жамоатчилик қабулхоналари партия электоратининг манфаатларини ҳимоя қилишда ўзига хос, самарали тузилма эканини исботлади. Айни пайтда партияда унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари кўрилмоқда. Шуни ҳам айтиш лозимки, бугун ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарининг муқобилини ЎзЛиДеПда шакллантиришга ҳаракат қилинмоқда. «Адолат» ҳам шундай йўл тутса ва кейин бу ҳақда сўз юритса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Беҳзод ШУКУРОВ**

**Ўзбекистон – келажаги буюк давлат**

# Баркамол авлод — энг улуғ мақсадимиз

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, барча саъй-ҳаракат ва интилишлар, ўзгариш ва янгиланиш жараёнлари пироварди ана шу эзгу мақсадга қаратилди.



Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов бундай сиёсатнинг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Бугунги кунда бир оддий ҳақиқат барчамиз учун аён бўлиши керак: олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистон XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир. Бир сўз билан айтганда, бизнинг озод ва обод Ватан, фуқаролик жамияти барпо этиш, тараққий топган давлатлар ва халқлар қаторига кўтарилишдек улуғ мақсадларимиз, ҳеч шубҳасиз, мана шу олижаноб вазифани нечоғли оқилона амалга оширишимизга боғлиқ эканини чуқур англаб олишимиз даркор».

Маълумки, мамлакатимизда ёш авлоднинг таълим-тарбияси, маънавий камолоти билан боғлиқ изчил ислоҳотларнинг концептуал асослари Президентимиз асарларида ҳар томонлама чуқур асослаб берилди ва босқичма-босқич, қатъият ва изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Юртбошимизнинг мамлакатимизда янги мустақил демократик давлат барпо этишнинг миллий-маънавий ҳамда умумбашарий негизлари кенг таҳлил этилиб, янги жамият қуришнинг асосий устувор йўналишлари аниқ-равшан белгилаб берилган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида назарий ва амалий аҳамиятга молик шундай муҳим хулосалар баён қилинган эди: «Ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам ғайрат-шижоатига, тўла-тўкис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир».

Ўтган давр мобайнида бевосита давлатимиз раҳбарининг раҳнамолигида юртимизда ёш авлоднинг замонавий таълим-тарбия олиши, ҳар томонлама ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Бунда, айниқса, Президентимиз томонидан мамлакатимиз таълим тизимини, жамиятимиз олдида турган улуғвор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, бутунлай янгилаш, таълимнинг бутун қудратини мустақил демократик тараққиётимиз учун суянч бўладиган ёшлар манфаатларига хизмат қилдиришга қаратилган дастурлар комплекси ишлаб чиқилгани ва самарали амалга оширилаётгани, ҳеч шубҳасиз, муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Жумладан, 1997 йилнинг 29 августида Олий Мажлиснинг IX сессиясида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, кейинчалик эса уларнинг мантиқий давоми сифатида Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури қабул қилиниши ва амалга оширилиши нафақат ёшларимиз, балки бутун жамиятимизнинг маънавий-маърифий даражаси, онгу тафаккурини янги босқичга кўтаришда беқиёс омил бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда амалга оширилаётган баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишга қаратилган давлат сиёсатининг эволюцион тизимида 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан «Ёшлар йили» Давлат дастурининг амалга оширилиши том маънода тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлди. Мазкур Дастур натижасида, мамлакатимиз ёшларининг ҳар томонлама камол топиши, ўз истеъдод ва қобилияти, билим ва куч-ғайратини намоён этиши, бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиши учун янги-янги имкониятлар яратилди.

«Ёшлар йили» Давлат дастурининг амалга оширилиши ёшларга эътибор ва ғамхўрлик сиёсатининг яна бир ёрқин амалий намоёни бўлганини барчамиз кундалик ҳаётдаги кўплаб имконият ва янгиликлар мисолида гувоҳи бўлдик.

Ҳаммамизга яхши аёнки, ҳар қандай жамият тараққиёт йўлидан оғишмай илгарилаб боргани сари бу тараққиётни таъминлаб, унга янгича куч ва қувват берадиган, замонавий фикрлайдиган, ҳар томонлама билимли ва ақлли ёш кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёж ҳам муттасил ортиб бораверади. Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ёшларга эътибор ва ғамхўрликнинг узвий давом этаётганини кўрганда, бу сиёсат замирида ана шу ҳақиқатни ҳар томонлама чуқур англаб, узоқни кўзлаб иш юритиш тамойили мужассам эканига ишонч ҳосил қиламиз.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг туб моҳияти, концептуал асослари давлатимиз раҳбарининг Конституциямизнинг 17 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали йиғилишда сўзлаган маърузасида ҳар томонлама чуқур баён қилиб берилди.

Президентимиз қабул қилинажак янги давлат дастури ўзига қамраб оладиган асосий стратегик вазифалар қаторига биринчи навбатда ёшлар манфаатининг тўлақонли равишда таъминланишига янада самарали хизмат қиладиган, замон талаблари даражасида янги ҳуқуқий базани ривожлантириш, мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган аҳолини соғломлаштириш, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги чора ва тадбирларни янада кучайтириш, бу соҳага жалб қилинаётган маблағларни кескин ошириш билан боғлиқ масалалар киритилиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратди.

Мазкур дастурнинг мазмун моҳиятини белгилашда таълим соҳасига катта аҳамият берилган. Айнан ушбу соҳа дастурнинг ҳал қилувчи ўзагини ташкил қилганини алоҳида эътироф қилиш лозим, деб ўйлаймиз. Бундай ёндашув бежиз эмас, албатта. Чунки ҳозирги кунда фан ва технологияларнинг энг илғор ютуқларидан фойдаланишга қодир бўлган замонамизнинг янги авлод кадрларини тарбиялаб етиштириш давр талабига айланмоқда. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, инсоният тараққиётининг бугунги босқичида ҳаётни ташкил этишнинг воситалари, манбалари, услублари ҳам ниҳоятда ўзгариб бормоқда. Одамлар ҳаётини фаровон қилишнинг янги-янги омиллари тобора ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Мазкур омилларни ўз вақтида англаб етган, улардан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини кўра олган мамлакатларгина давр талаблари билан ҳамнафас бўлиб, ўз истиқболини белгилай олиши мумкин. Мана шундай муҳим омиллардан бири — бу жамиятнинг интеллектуал салоҳиятидир. Ушбу масала бугунги кунда дунёдаги ривожланган мамлакатларнинг эътибор марказида тургани ҳам шундан далолат беради.

Бир сўз билан айтганда, таълим-тарбия, илм-фан, интеллектуал салоҳиятни юксалтириш, замонавий тараққиётнинг етакчи қонуниятига айланди. Ушбу умумсоциологик қонуният, табиийки, бизнинг жамиятимиз учун ҳам бегона эмас. Шу боис ҳам давлатимиз раҳбари томонидан «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида мазкур масалаларга алоҳида чуқур эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилди. «Биз яшаётган XXI аср — интеллуктуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса — бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар. Буни чуқур англаб олган давлат, бундай хулосани чиқарган, халқаро ҳамжамият ва тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилиш учун ҳаракат қилаётган жамият, биринчи навбатда, бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, керак бўлса, энг муқаддас мақсад, деб билади», дея қайд этди Президентимиз.

Ўз навбатида, бундай ўткир талаб ва қонуниятлар биз — таълим соҳаси ходимларидан, юртимиз маънавият аҳлидан, барча зиёлилардан «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга оширишда фаол иштирок этишни тақозо қилади. Негаки, бу дастур халқимиз, жамиятимизнинг энг олижаноб ва муқаддас орзуси бўлган ёш авлодимизни ҳар томондама етук, баркамол қилиб тарбиялаш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтаришни назарда тутади. Бу дастур баркамол авлодни вояга етказиш орқали она Ватанимизни дунёдаги энг ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқади. Шундай улуғ мақсадлар йўлида меҳнат қилиш эса, ҳеч шубҳасиз, инсон учун энг катта бахт ва шарафдир.

**Абдураҳим МАННОНОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор,**
**Улуғбек ИДИРОВ,**
**сиёсий фанлар доктори.**

Хорижда

## Табиий офат қурбонлари

*учун мотам*

Хитойнинг Цинхай музофотида 14 апрель куни юз берган табиий офат — 7,1 магнитудага тенг зилзила оқибатида қурбон бўлганлар учун кеча мамлакат бўйлаб мотам куни ўтказилди. Ушбу кунни ХХР давлат кенгаши расмий эълон қилди.



«Новости» АА хабар беришича, мазкур офат эпицентри Тибет билан Сичуан музофоти чегарасида, денгиз сатҳидан 4 минг метр баландликда, Юйшу уездида қайд этилган. Фожиа натижасида 2039 киши қурбон бўлди. 195 кишининг жасади топилмагани боис бедарак йўқолган, деб эълон қилинди. 12 мингдан ортиқ киши турли даражада тан жароҳати олди. Уезднинг маъмурий маркази бўлмиш Цзегу шаҳрида қурилиш иншоотларининг 90 фоизи бутунлай вайрон бўлди. Унинг барча аҳолиси, яъни юз мингга яқин киши бошпанасиз қолди.

Хитой Халқ Республикаси раиси Ху Цзиньтао вайроналар остида қолган одамлар ҳаётини сақлаб қолиш учун қутқарувчиларни барча чораларни кўришга чақирган. Ҳукумат қидирув-қутқарув ва офат оқибатларини бартараф этиш ишларига 30 миллион долларга тенг миқдорда маблағ ажратди. Бошпанасиз қолганлар учун иссиқ кўрпа-тўшак ва чодирлар, озиқ-овқатлар, дори-дармонлар жўнатилди.

## Авиадиспетчерлар иш ташлаши

*бекор қилинди*

Грециянинг давлат хизмати ходимлари мамлакат ҳукуматининг молиявий-иқтисодий инқироз шароитидан чиқиш, давлат бюджетидаги камомадни тўлдириш, ташқи қарзлар ўсишини тўхтатиш юзасидан ишлаб чиққан ва амалга жорий этган амалий чоралар дастурига қарши бугун ва эртага оммавий иш ташлаш ўтказишмоқчи. Бу ҳақда йирик «ADEDY» касаба уюшмалар бирлашмаси баёнот берди.



Бу иш ташлаш давлат секторининг барча бўғинларини қамраб олади. Шу куни барча транспорт қатнови тўхтатилади. Жумладан, ҳаво транспорти парвозлари ҳам тўхтатилиши керак эди. Ҳатто бу ҳақда сайёҳлар ҳам касаба уюшмалари томонидан огоҳлантирилганди.

Бироқ касаба уюшмаларнинг бу норозилик акциясига Греция авиакомпаниялари авиадиспетчерлари қўшилмайдиган бўлди. Негаки, шундоқ ҳам Исландияда отилган вулқон боис Грецияда авиапарвозлар бекор қилинган. Энди авиадиспетчерларнинг иш ташлашида бирор-бир маъно йўқ, дейилади «Россия-24» хабарида.

Бугунги кунда Греция авиакомпаниялари юзага келган ноқулай об-ҳаво шароити боис парвозларни бекор қилиб, катта зарар кўрмоқда. Масалан, йирик «Aegean Airlines» авиакомпанияси бир кунда 500 минг, «Olympic» авиакомпанияси эса 350 минг евро миқдорида зарар кўрмоқда.

## Бир неча автозавод фаолияти

*вақтинча тўхтатилди*

Маълумки, Исландияда отилган вулқон кулининг булути Европа осмонини қоплаб олгани боис дунёнинг ҳар бурчидан Европага авиапарвозлар бекор қилинмоқда.



Хусусан, Европага автомобилларни импорт қилиш жараёни ҳам тўхтаб қолди. Бу эса автомобиль ишлаб чиқарувчи компаниялар фаолиятига ўз таъсирини ўтказмай қолмаяпти. Жумладан, Японияда автомобиль ишлаб чиқариш бўйича учинчи йирик завод — «Nissan» компанияси ўзининг бир нечта автозаводи фаолиятини 21 апрелдан эътиборан вақтинча тўхтатишга қарор қилди, дейилади «France Presse» АА хабарида.

Европага авиапарвозлар йўлга қўйилса, шундагина бу заводлар ўз фаолиятини қайта бошлайди.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

**Андижон вилояти ИИБ 1-турма**

*қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдоси эълон қилади:*

Андижон вилояти ИИБ 1-турма «Навбатчилик қисми» ва «Қоровулхона» биносини капитал таъмирлаш.

**Объектнинг бошланғич** нархи (ҚҚС билан) — 104 001 251 сўм.

**Ишларни тугаллаш муддати** — 90 кун.

**Буюртмачи:** Андижон вилояти ИИБ 1-турма
(Андижон шаҳри, Ўш кўчаси-202)

**Курилиш ишларини молиялаштириш**: Буюртмачига ажратилган Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ҳамда ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

**Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14-а уй, тел/факс 224-72-79.**

**Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи** — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Инқирозга қарши чоралар дастури — амалда

## Модернизациялаш самараси

*ёки «AZIA AYS» маҳсулотларига талаб ортмоқда*

Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил якунларига бағишланган йиғилишидаги маърузасида ислоҳотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш бош вазифалардан бири эканлигини алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, ҳозир жаҳон молиявий-инқирози шароитида ишлаб чиқариш соҳасида юқори ва барқарор суръатларни таъминлашда модернизациялаш, техник ва технологик жиҳозлашнинг аҳамияти катта. Буни пойтахтимиздаги «Azia ays» масъулияти чекланган жамияти фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

«Azia ays» МЧЖ икки йил муқаддам банкротликка юз тутган «Бахт билол» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси мулкий мажмуи негизида ташкил топди. Айтиш жоизки, ўша кезларда бу корхонанинг иқтисодий аҳволи ночорлашган, ишлаб чиқариш тузилмаси жиддий таъмирлаш-тиклаш ишларини тақозо этарди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган реал секторни қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурлар туфайли корхона қаддини ростлаш имкониятига эга бўлди. Маълумки, ушбу дастурларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳам фаол иштирок этмоқда.

2009 йилнинг 18 мартида ташкил этилган «Azia ays» МЧЖ «Ўзмиллийбанк»нинг шўъба компанияси бошқарувига ўтди. Корхонани тиклаш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширишга киришилди.

— Жуда қисқа муддат — уч ой ичида корхонада катта ишлар амалга оширилди, — дейди «Azia ays» МЧЖ директори Исматилла Шукуров. — Ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва Италиянинг «Tetra Pak Hoyer A/S» фирмаси линияси асбоб-ускуналарини таъмирдан чиқариш ҳамда айланма воситалар учун банкдан олинган олти юз миллион сўм корхонанинг ишга тушишида шубҳасиз катта роль ўйнади.

Айтиш керакки, «Azia ays» савдо белгиси туширилган «Арена», «Корридо», «Барон» сингари музқаймоқлар тез орада каттаю кичик истеъмолчиларга манзур бўлди. Корхонанинг қуввати ўтган йили 20 фоизни ташкил этиб, 17 турдаги 37 тонна маҳсулот тайёрланди.

— Жорий йилда ишлаб чиқариш қувватини 80 фоизга етказиб, 417 тонна маҳсулот ишлаб чиқаришни мўлжаллаганмиз, — давом этди Исматилла Шукуров. — Табиийки, музқаймоқларимиз турлари ҳам 25 тага етади. Ёз мавсумида икки сменада ишлашга ўтиб, истеъмолчиларимиз эҳтиёжини қондиришга интиламиз.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда тижорат банкларини иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш жараёнига жалб этиш тажрибаси амалда ўзини тўла оқламоқда.

**Алишер РЎЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

t

Термиз шаҳрида замонавий спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Бунёдкорлик ишларига 1,5 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Мажмуада сузиш, футбол, енгил атлетика, бадиий гимнастика, баскетбол, волейбол каби спорт турларига мўлжалланган очиқ ва ёпиқ майдончалар мавжуд.



Гулдимурод САИДМАЛИКОВ олган сурат.

# Янги спорт мажмуаси

Мазкур спорт мажмуаси миллий хавфсизлик хизматига қарашли бўлиб, бу ерда ушбу хизмат шахсий таркиби, уларнинг фарзандлари, яқин атрофдаги мактаб, коллеж ҳамда маҳаллаларнинг ёшлари ўндан ортиқ спорт турлари билан мунтазам шуғулланишлари мумкин.

Сурхондарё вилояти аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади. Уларнинг кучли, иродали, бақувват бўлиб вояга етишлари учун ўтган йили вилоятда 18 та спорт иншооти бунёд этилди. Шунингдек, умумий ўрта таълим мактабларидаги 17 та спорт зали таъмирланди. Бу иншоотлар 210 миллион сўмлик спорт ускуналари ва анжомлар билан жиҳозланди. Кам таъминланган, кўп болали ва ижтимоий муҳтож оилаларнинг 2540 нафар фарзандига 155,1 миллион сўмлик спорт формалари тарқатилди. Бу каби хайрли ишларга Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2 миллиард 551 миллион сўм йўналтирилган бўлса, унинг вилоят филиали томонидан 465 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Айни кунларда воҳада 23 спорт тури бўйича 7 мингдан ортиқ тўгараклар фаолият кўрсатаяпти. Уларда ўн минглаб кишилар соғлиқларини тикламоқда, айрим иқтидорли ёшлар эса маҳоратларини ошириб, турли тоифадаги мусобақаларда таҳсинга лойиқ натижаларга эришишмоқда.

Баркамол авлод йилида ҳам ана шундай хайрли ишлар изчил давом этмоқда. Буни Термизда бунёд этилган ҳар томонлама қулай, жаҳон талабларига тўлиқ жавоб берадиган кўркам иншоот мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Вилоятда амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар спортнинг оммавийлишишини, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишда муҳим ўрин тутади.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Малакали мутахассислар тайёрланади



**Баркамол авлод — мамлакат келажаги**

Бухородаги нефть ва газ саноати коллежини битирганлар бугунги кунда мамлакатимиз ҳамда Мустақил Ҳамдўстлик Давлатларида нефть ва газ саноати корхоналарида етакчи мутахассис сифатида фаолият кўрсатяпти.

Шуниси қувончлики, коллежга ўқишга кириш истаги бор ўқувчилар сони йил сайин кўпаймоқда. Улар орасидан энг иқтидорлиларигина танлаб олинаяпти.

— Мазкур даргоҳнинг талабаси бўлиш орзуим эди, — дейди биз билан суҳбатда қорақалпоғистонлик Қуралбой Айтбаев. — Ҳозир нефть ва газ қудуқларини бурғулаш бўйича таълим олаяпман.

Давлат таълим стандартлари талабларига тўла жавоб берадиган рақобатбардош кадрлар тайёрлаш учун бу ерда зарур моддий-техник база яратилган. 2003 йилда 750 ўринли ўқув-лаборатория корпуси янгидан қурилди. Таълим-тарбия жараёнини замон талаблари асосида ташкил қилишга мўлжалланган 43 та фан хонаси, 15 та лаборатория, 5 та устахона, қарийб 45000 китоб фондига эга бўлган кутубхона, 4 та спорт зали, сузиш ҳавзаси, 2 та тиббиёт хонаси, 440 ўринли ётоқхона, 180 ўринли ошхона ўқувчи-ёшларга хизмат қилаётир.

— Буларнинг барчаси, — дейди коллеж директори, ЎзХДПдан вилоят кенгаши депутати, Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Замир Адизов, — ягона мақсадга қаратилган. Бизда таълим олаётган 1580 ўқувчи эртага нефть ва газ қудуқларини бурғулаш, нефть ва газ конлари машина жиҳозлари, нефть ва газ маҳсулотларини қайта ишлаш, нефть ва газни ташиш ҳамда сақлаш, автоматика воситалари жиҳозларини ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш, бухгалтерия ҳисоби сингари тўққиз йўналиш бўйича мутахассис бўлиб чиқади. Бултур қўлига муайян мутахассислик дипломини олган 500 дан зиёд битирувчиларимиз ўз соҳаси бўйича иш билан таъминланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, коллеж жамоаси ўқувчиларга касб-кор ўргатибгина қолмай, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**XXI аср — интеллектуал бойлик асри**

# Эволюцион алгебра

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*



Фанда янги йўналиш ҳисобланган математик генетика ҳамда математик биология муаммолари истеъдодли ёш олимлар томонидан тадқиқ этила бошланди. Зеро, эволюцион алгебра, яъни математиканинг биология, физика ҳамда генетикага татбиқ этилиши дунё илм-фанида янгилик ҳисобланади. Мазкур соҳага оид **«Эволюцион алгебралар ва уларнинг қўлланилиши»** номли илк монография 2008 йилда америкалик тадқиқотчи П.Ж.Тиан томонидан нашр этилди.

Илмнинг оғир ва машаққатли йўлини танлаган Шерзод Муродов бугунги кунда **«Эволюцион алгебра ва уларнинг графлар назариясига татбиқи»** мавзусида тадқиқот олиб бормоқда. Ҳозиргача унинг ўзбек, рус ва инглиз тилларида 5 та илмий мақоласи чоп этилди. Тадқиқотчининг **«Чекли графлар ёрдамида аниқланган эволюцион алгебралар»** номли мақоласи соҳа мутахассислари эътирофига сазовор бўлди.

Математик-генетик олимларнинг тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки инсонларда икки хил — кучли (доминант) ҳамда кучсиз (рецессив) белгилар мавжуд. Чунончи, соч ва терининг қоралиги, қалин лаблар, кўзларнинг катталиги, бўйнинг пастлиги, яқиндан кўриш, яхши эшитиш ва соч тўкилиши кучли белгилар сирасига кирса, оч рангли соч, терининг оқлиги, нормал кўриш, лабларнинг нозиклиги, кичик кўзлар, баланд бўй, яхши эшитмаслик ҳамда сочнинг нормал ҳолатда ўсиши кучсиз белгилар эканлиги аниқланган. Энг қизиғи, ўғил фарзандга кучли белгилар онасидан ўтади. Қизлар эса доминант хусусиятларни ҳам онадан, ҳам отадан олади.

— Бироқ генотиплар чатишишидан пайдо бўладиган янги генотип ота-онанинг белгиларини такрорламаслиги ҳам мумкин, — **дейди Шерзод.** — Мисол учун, биз ҳар куни истеъмол қиладиган ичимлик сувини олайлик. У иккита, яъни ёнувчи моддалар сирасига кирувчи водород ҳамда ўт олдиришга кўмаклашувчи кислород атомларининг бирикишидан ҳосил бўлади. Демак, уларнинг қўшилиши натижасида пайдо бўладиган модда ҳам қандайдир яхши ёнувчи ёки «портловчи» хусусиятга эга бўлиши керак. Ваҳоланки, улардан айнан оловни ўчириш воситаси — сув юзага келади. Бу каби ҳодисалар эволюцион алгебранинг генетика ва биологияга татбиқ қилиниши натижасида ўрганилади. Бундан асосий мақсад, икки ёки ундан ортиқ бўлган биологик турларнинг ўзаро бирикишидан ҳосил бўладиган бошқа бир биологик генотипни ўрганиш, хусусан, унинг хосса-хусусиятлари, яъни кучли (доминант) ва кучсиз (рецессив) белгиларни аниқлаш, ундаги ҳар қандай ўзгариш ва янгиланишни кузатишдан иборат.

*Энг қизиғи, ўғил фарзандга кучли белгилар онасидан ўтади. Қизлар эса доминант хусусиятларни ҳам онадан, ҳам отадан олади.*

— Биз эса, — **дея давом этди Шерзод.** — Математик генетикада содир бўладиган шунга ўхшаш масалаларни ечишда эҳтимоллар назарияси, тасодифий жараёнлар назарияси, чизиқлимас дифференциал, тенгламалар, ассоциативмас алгебралар, шунингдек, топология методлардан фойдаланамиз.

Президентимиз таъкидлаганидек —

***Тўққизинчи-ўн бешинчи асрларда маърифатли дунё бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, берунийлар, ибн синолар, улуғбекларни қанчалик иззат-икром қилган бўлса, йигирма биринчи асрда биз халқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қайтадан қўлга киритишимиз керак. Ўша даврда улуғ аждодларимиз асос солган ва оламга донг таратган илмий мактабларни замонавий шаклда қайтадан тиклашимиз лозим.***

**Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ.**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**


**Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!**

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

***Объект номи:***
***«Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, Учкўприк қишлоғидаги 29-сонли мактаб ҳудудида ёрдамчи хоналари билан 12х24 м. ўлчамли спорт зал қурилиши». «ҚМИга»***

**Бошланғич нархи:**
— 224,324076 млн. сўм ҚҚС билан,
— 186,93973 млн. сўм ҚҚСсиз.

**Муддати** — 01.08.2010 й.

**Буюртмачи:** Фарғона вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон: (373) 224-24-33, 224-39-77.

Қурилиш ишлари Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:** ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

***Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76.***

*Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.*

Таклифлар (офертала) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўн беш кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.


**Ҳолат**

# Хато ва масъулиятсизлик

## одамларни сарсон қилади, вақтини олади, асабини қайрайди



Пешонада бор экан: Илҳом Абдуллаев ўз номига тушган доғни тозалаш учун 8 йиллик умрини сарфлашга тўғри келди. Бу айтишгагина осон. Вақтдан ташқари асаб, оворагарчиликлар... Аммо одам ўзининг ҳалоллигига, тўғри эканлигига ишонса, ўша ишонч унга далда бўлади, ярим йўлда қўл силтаб кетишга йўл қўймайди.

Илҳом Абдуллаев 2000 йил 25 мартда гумон қилинувчи, деб топилди. Икки кундан сўнг эса ҳибсга олинди. У 1996-1999 йилларда «Хонқагурунч» жамоа корхонаси раиси бўлиб ишлаган даврида эгаллаб турган мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, корхона манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказганликда айбланди. Терговчи томонидан семизгина қилиб тайёрланган «Айблов хулосаси»да ёзилишича, у ўша пайтда корхона балансида бўлган бир неча техника ҳамда техника воситалари, кўчмас мулк ва жиҳозларни фуқароларга ва бошқа фирмага қийматидан арзон нархда сотиб юборган...

2000 йил 2 майда Хонқа туман суди ушбу «иш»ни кўриб чиқди ва И.Абдуллаевни айбдор, деб топди. «Айбдор» уч йил муддатга мансабдорлик вазифаларидан ишлашдан маҳрум этилиб, мол-мулки хатланди ва мусодара қилинди. Энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорида жарима жазоси тайинланди. Унга асосий жазо сифатида 5 йил озодликдан маҳрум қилиниш тайинланиб, у шартлиликка алмаштирилиб, икки йил синов муддати белгиланди ва суд залидан озод қилинди.

Илҳом Абдуллаев ўзининг айбсизлиги, корхонага ҳеч қандай моддий зиён етказмагани — жиноятчи эмаслигини исботлаш учун елиб-югурди. Тўғри, бир қатор суд «ажрим»ларида асл ҳақиқатнинг чалачулпа шарпалари сезилди: И.Абдуллаевнинг ҳуқуқини тақиқловчи раҳбарлик вазифасида ишлашдан маҳрум қилиш муддати қисқартирилди, судланганлиги олиб ташланди. Лекин барибир унинг айбсизлиги борасида ҳеч гап бўлмади.

Ниҳоят, жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди кассация ҳайъатининг 2002 йил 14 ноябрдаги ажрими билан Хонқа тумани суди ҳукми бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун яна жиноят ишлари бўйича Хонқа туман судига юборилди. Туман судининг 2002 йил 23 декабрдаги ажримига кўра, И.Абдуллаевнинг айбидан Жиноят кодексининг 205-модданинг 2-қисми «а,в» бандлари чиқариб ташланди. ЖКнинг 209-моддаси эса кам аҳамиятли бўлганлиги учун ҳаракатдан тугатилди. Лекин бу оқлов, айбсиз дегани эмас эди. И.Абдуллаев ҳақиқат учун, ўзининг шаъни учун курашди. Негаки, у жамият мулкига зиён етказмаган эди.

Турли ёзув-чизувлардан сўнг жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди кассация судлов ҳайъати 2008 йил 25 сентябрда ажрим чиқариб, И.Абдуллаевнинг ҳаракатида жиноят аломати йўқ, деб топди, мазкур «иш»ни тугатди. И.Абдуллаев тўла-тўкис оқланди. Унга қўйилган айблар асоссизлиги, уйдирма эканлиги исботланди.

Илк тафтиш хулосасига асосланиб, «Айблов хулосаси»да И.Абдуллаев корхонага жами 7.382.053 сўм миқдорида зарар етказганлиги қайд қилинган эди. Кейинчалик «Дунёаудит» аудиторлик фирмаси томонидан ўтказилган тафтиш хулосасида эса корхонага 293 минг 475 сўм фойда келгани аниқланган.

Илк тафтишда иштирок этган Б.Ражабов кўрсатмасида айтилишича, тафтиш ҳужжатлари бошқа мутахассислар берган маълумотлар асосида тайёрланган экан. Масалан, бир нарса икки бора кирим қилинган. Давлат мулки билан пайчилар мулки фарқланмаган. Ва ҳоказо. Бу гўёки тафтишчининг «техник хатоси» эмиш...

Бундай хатолар туфайли бир инсон тақдирига айбдор деган тамға босилди. Эл-юрт орасида обрўсига путур етди, соғлиги йўқолди. Шу «хато»лар, малакасизликлар, нохолисликлар ва бир томонлама муносабат боис пайдо бўлган ноҳақликни бартараф этиш учун 8 йиллик умрини, вақтини сарфлади. Текширувчиларнинг ўз ишига юзаки қараши, терговчининг масъулиятсизлиги бир инсон тақдирини қайсидир маънода остин-устун қилди.

Дарҳақиқат, инсон тақдирига беписанд қараш, унинг шаъни ва қадр-қимматини менсимаслик, лоқайдлик, масъулиятсизлик ва ўз ишига совуққон муносабатда бўлиш ана шундай нохуш ҳолатларни келтириб чиқарди.

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**


BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
Asror MO`MINOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.


«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


Г — 349
13887 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 20.45
Topshirilgan vaqti — 23.45
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda